

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 27-iyun, payshanba

№ 26 (9294)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, ўз истеъдоди ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, миллий журналистикамиз жонкуярларини, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этиб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни изҳор этаман.

Маълумки, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қоида ва тамойиллар мустақамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакиллари яққол ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда очиқлик ва ошқораликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг қонуний мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўзингиз ва таъсирингиз тобора ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу ўринда газета ва журналларимиз, теле ва радио каналлар, ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги долзарб чиқишлар, муаммолари масалалар юзасидан мутахассис ва экспертлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, таҳлилий шарҳлар, баҳс-мунозаралар сезиларли равишда кўпайганини таъкидлаш лозим.

➤ **Қарор ва ижро**

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Сўнги йилларда дунёда талафотли зилзилалар сони ортиб, улар аҳоли ҳаёти ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини доимий такомиллаштириб бориш доирасида мавжуд ва қурилаётган бино-иншоотларнинг сейсмик мустақамлигини таъминлаш, зилзилани прогноزلаш, мониторинг қилиш ҳамда унга тайёргарлик кўришда давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида жорий йилнинг 17 апрелида Президентимизнинг “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, амалдаги йилнинг 1 июнидан бошлаб МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиш режалаштирилаётган 5 қаватдан юқори тиббиёт объектлари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик ҳимоялаш қурилмалари, шу жумладан, сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилди.

Шу йилнинг 1 июлидан янги қурилиш режалаштирилаётган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларга бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш мажбурий этиб белгиланиши, бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинadиган маълумотларнинг ягона базасини юритиш орқали мониторинг қилиш тартиби жорий этилмоқда. Бунда МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори баллик ер силкиниши содир бўлганда бино ва иншоотларнинг ҳолати бўйича юк кўтарувчи конструкцияларни автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинган маълумотлар тезкор равишда таҳлил қилинади.

(Давоми 3-саҳифада)

Хусусан, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий ва таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Мухтасар айтганда, куюнчак ва олижаноб журналистларимиз, фаол блогерларимиз ўзларининг қатъий позицияси, ҳаққоний сўзи билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислохотларимизнинг самарасини ошириш, юртдошларимизнинг фикрини, дунёқарашини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси миллий медиа воситаларимиз “тўртинчи ҳокимият” даражасига яқинлашиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай юксак маррага етиш осон эмаслиги, бу йўлда тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиийдир.

Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, бу борадаги ишларимизни қатъият билан давом эттирамиз.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда.

Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва доврурак, Ватанни чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонлар тобора кўпроқ бўлишини тақозо этмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ахборот майдонини сифатли ва

рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим, деб ўйлайман.

Шунингдек, бугунги кунда ёлғон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаётган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт.

Сиз, ҳурматли медиа тармоқлари вакиллари ана шундай масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Албатта, соҳада хизмат қилаётган барча юртдошларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ушбу қувончли айёмда сизларни қутлуг касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломаатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган оммавий ахборот воситалари ходимларини чин дилдан кутлайман.

Изданиш ва илҳом завқи, янги ижодий ютуқлар сизларга ҳамisha ёр бўлсин, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МЕНИНГ БОБОМ — ЖУРНАЛИСТ

Мен бобом ва бувижонимнинг тўнғич набирасиман. Шу боис ҳам улар мени еру-қўкка ишонмасдан, авайлаб-асраб улғайтирди. Айниқса, бобомнинг меҳр-муҳаббати бошқача. Уй-рўзгор, томорқа, чорва, парранда, асалари парваришларидан ортиб, юракдан суҳбатлашишга доимо вақт топади.



Бобомнинг тунлари ижод қилишга ҳавасим келади. Улғайсам, улар каби инсон бўламан, деб ўзимга ўзим пичирлаб ҳам қўярдим, гоҳ-гоҳида. Яна менга уларнинг ота-она, ака-

сингил, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларга бўлган муносабатлари маъқул келади. Ҳар куни тонгда ота ховлига келиб, падарибузрути ва волидасидан дуо олмасдан ишга жўнатишади.

Яқинлари оғриб қолса, ҳар қандай ҳолатда ҳам шифокорга қўсатиб, даволаниши учун қайғуришдан эринмасди. Тўйларда бош-қош бўлишликни энг маъқул фазилатлардан бири, деб ҳисоблайди. Касбига шунчалик меҳр қўйганки, керак бўлса жамоаси, ташкилотдаги муаммоларни ҳал қилиш учун билиму куч-ғайратини асло аямайди. Шу боис ҳам барча соҳаларда эътирофу муваффақиятлар бобомга ёр бўлаверарди. Бизга ҳикоя қилишларича, ёшлиқларида юқори ташкилотларда ишлашга қўл марта таклиф этилганига қарамай, узокқа кетишга кўнгуллари бўлмаган. Энг аввало, ота-онасининг дуосини олишни, киндик қони тўкилган жойда қолишни афзал қўрган экан. Норин тумани партия кўмитасида, вилоят телерадиокомпаниясида ҳам ўзининг ташкилотчилигини, серкирра ижодкорлигини намоян этиб, туман газетасига муҳаррирлик қилган.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ **Мутахассис тавсиялари**

ЎЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўўза парваришининг ўсув даврида ҳар бир агротехник тадбирни сувдан самарали фойдаланишга йўналтириш лозим. Ўўза бошқа бир қанча экинлардан фарқли ўлароқ, тупроқдаги озۇқани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Бу йил ҳам пахтадан мўл, эртаки ва сифатли ҳосил етиштириш учун имкониятлар мавжуд. Бирок, бунинг учун ҳар бир даққадан тўғри фойдаланиб ишлаш, имкониятларни тўла ишга солиш лозим.



Шу кунларда ўўза парваришида амалга ошириладиган агротехника тадбирлари ҳосил мўл бўлишига шарт яратади.

Фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш деҳқончилик маданиятини кўтаришнинг энг муҳим шартидир.

Тупроқ унумдорлигини тиклаш,

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда маъданли ва маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти бекиёс бўлса ҳам Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг айрим хўжалиқларида бу масалага аҳамият бериш талаб даражада эмас.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

Ф А Р М О Н И

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини мустақамлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнларини ёритиш, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ”

ОРДЕНИ БИЛАН

Тайпагов Абдижаолол Гаппарович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳудудий ахборот тахририяти бош муҳаррири

Темиров Собиржон Ғуламович – Бешариқ тумани “Бешариқ тонги” газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

“ДЎСТЛИК”

ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусаматова Мукаддас Салиховна – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист Бекназарова Саодат Ўзбековна – “Овози тожик” газетаси катта муҳбири

Джураева Дилфуза Джангировна – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист, Сурхондарё вилояти Кляцкий Григорий Николаевич – “Ishonch–Доверие” газетаси бўлим муҳаррири

(Давоми 2-саҳифада)

➤ **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**➤ **Жараён**

ПИСКЕНТЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ҒАЛЛА ТОПШИРИШ РЕЖАСИНИ ОРТИГИ БИЛАН БАЖАРАДЛАР

Туманда жорий йил ҳосили учун 8 минг гектар майдонда эртапишар ғалла навлари парваришланди. Дон тайёрлаш корхоналарига қисқа иш кунини 23 минг тоннага яқин сифатли дон сотилиб, бу борадаги шартномавий режа 101 фоизга адо этилди.

Фидокорона меҳнат, қолаверса, баҳорнинг серёгин келиши ҳам ялпи майдонларда юқори ҳосил тўпланишида муҳим омил бўлди. Мавсум бошланишида барча шарт-шароитлар, сервис ва таъминловчи хизмат турларини ўзида мужассамлаштирган отрядларнинг пухта шакллантирилганлиги ўримга жалб этилган 25 та юқори унумли агрегатлар қувватидан унумли фойдаланиш имконини берди. Натижада ғаллачиликка ихтисослашган 173 та фермер хўжаликларининг асосий қисми эришилишган ютуқларга сал-

моқли ҳисса қўшдилар. – Режа бажарилса-да, ҳали далаларимизда ҳосил мўл, - дейди туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Алишер Жўраев. - Бу йил ғаллакор фермерларимиз ҳосилдорликни ҳар гектар ер ҳисобига 90- 95 центнерга етказиб, 76,5 минг тонна сара дон ишлаб чиқаришни мақсад қилганлар. Шунингдек, вилоят ғалла хирмонида янада барака киритиш ниятида 6 минг тонна қўшимча равишда дон топшириш бўйича беш кунлик режа ишлаб чиқдик.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)
Левченко Сергей Владимирович – “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири
Нугманов Равшан Якубджанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшиштириш уйи овоз ёзиш хизмати режиссёри
Очилов Қудрат Менглиевич – “Бир сафда” журнали масъул котиби
Палуанова Мнайим Пирназаровна – “Nukus-Sayahat” масъулияти чекланган жамиятининг “Жаслар–ТВ” телеканали ва “Нукус–ФМ” радиоси директори, Қорақалпоғистон Республикаси
Содиқов Икром Мамадалиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари
Тоҳиров Халимжон Тургунович – “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари таҳририятининг “Andjonnoma.uz” интернет наشري муҳаррири
Хакимов Талип Адилевич – Нурафшон шаҳри “Машъал” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

II ДАРАЖАЛИ
“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН”
ОРДЕНИ БИЛАН
Боймирзаева Саодат Ураковна – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин–қизлар қўмитасининг матбуот котиби
Муминов Файзулло Абдуллаевич – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг жамоатчилик билан алоқалар кафедраси профессори
Хасанова Захр Тулкуновна – “Тулхан” журнали бош муҳаррири

“СОҒЛОМ ТУРМУШ” МЕДАЛИ БИЛАН
Имомхўжаев Зафар Аҳбарович – Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби

“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ”
МЕДАЛИ БИЛАН
Абдурахимов Муслимбек Фозил ўғли – “Zoʻt TV” телеканалининг “Bu kish” информацион дастури раҳбари

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН
Абдукадиров Дилшод Ахмеджанович – “Kun.uz” интернет наشري бош муҳаррири
Абдурахманова Феруза Абдуганиевна – “Mening yurtim” телеканали бошловчиси
Абидов Азиз Агзамович – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази бошлиғи – матбуот котиби
Алимухамедов Туйгун Вахабович – “Ўзбекистон кўзи ожизлар босмахонаси” давлат унитар корхонаси муқоваловчиси
Базаров Бахриддин Хайдарович – “Akademnashr NMM” масъулияти чекланган жамияти бош рассоми
Байтураева Гулжамал Оринбасаровна – “Нурлы жол” газетаси бўлим мудир
Вохидова Нозима Рахимовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va maʼrifat telekanali” давлат муассасаси кино–видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти катта муҳаррри
Гулямова Дилфуза Иззатовна – “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририятининг Навоий вилояти бўйича махсус муҳбири
Джамалов Кахрамон Джумаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Oʻzbekiston 24” телеканали муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири
Джумабоева Рахима Мустафаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири
Зокирова Турсунтош Нормуродовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳбири
Иноятова Назира Сайпулаевна – “Авторадио” радиоси дастурлар бўйича директори ва эфир

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 25 июнь

бошловчиси
Кличбаев Абатбай Реймбаевич – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари
Матчанова Интизор Жумабоевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Oʻzbekiston 24” телеканали Хоразм вилояти бўйича муҳбири
Муротова Муслима Камолидиновна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Oʻzbekiston” радиоканали режиссёрлар гуруҳи суҳандони
Ниязов Норбек Рамазанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Oʻzbekiston 24” телеканали янгиликлар муҳарририяти бош муҳаррири
Пирнафасова Мухайё Рустамовна – “Жадид” газетаси адабий муҳаррири
Саидов Шеродил Худайбердиевич – “Шарқ” наشريёт–матбаа акциядорлик компаниясининг чоп этиш цехи устаси
Сулайманова Алия Исмаиловна – “Darakchi.uz” интернет наشري бош муҳаррири
Сулаймонов Шодмон Султонович – “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари таҳририяти бош муҳаррири, Бухоро вилояти
Шамсиддинов Ёлқин Хакимович – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати хузуридаги Медиа–маркази етакчи мутахассиси
Эшонкулов Замон Асрорович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи махсус муҳбири
Юсупов Аҳмад Менгнимуратович – “Daryo.uz” интернет наشري бош муҳаррири

Ш.МИРЗИЁЕВ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЁШЛАРНИНГ
МУТОЛАА МАДАНИЯТИ
ОШМОҚДА

Жонажон Ўзбекистонимизнинг ёруғ
истикъболини толеи нурли фарзандларимиз
тимсолида кўрамыз.

Шу сабабли ҳам мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган ва албатта, ўғил-қизларимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини амалда намоён этишлариغا кенг имконият, имтиёзлар яратиб берилгандир. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижроси асосидаги амалий ишлар фарзандларимизнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини оширмоқда.

Бу хайрли ташаббуслар мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 32-умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Китобхонлик”, “Бичиш-тикиш”,

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЯНАДА КЎПРОҚ
ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Пойтахтимиздаги “InterContinental Tashkent” мажмуасида
27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда устоз журналистлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда медиа соҳа вакиллари, хорижий ОАВ ходимлари, республикамизда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистика йўналишидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

“InterContinental Tashkent” мажмуаси фойсесида байрам руҳидаги баннерлар ўрнатилган, китоблар кўргазмаси ўтказилганди, ОАВ ходимлари учун пресс-холл фаолияти йўлга қўйилгани эътирофга молик.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг фармониغا мувофиқ, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ журналистлар Ватанимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ушбу мукофотларни ўз эгаларига топширди.

Дарҳақиқат, бутунги шиддатли даврда сўз ва матбуот эркинлигини, жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни таъминлашда, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашда журналистларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолияти учун зарур барча шароитларни яратиш юзасидан қўллаб-қувватлаш бўйича кўп қиррали ташаббуслар илгари сурилмоқда. Бутунги кунда матбуот соҳаси мудофаа, хавфсизлик соҳалари каби етакчи соҳага айланмоқда. Фаолият туридан қатъи назар, оммавий ахборот воситалари фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Журналистларнинг эркин ва са-

марали ишлаши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар тўлиқ яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ташкил этилаётган турли ижодий танловлар, медиа лойиҳалар журналистларнинг фуқаролик позициясини янада кучайтириш, уларни янги-янги ғоялар сари илҳомлантиришида муҳим омили бўлмоқда.

Тантанали тадбирда миллий журналистика, ноширлик, китобхонлик соҳалари ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор соҳа вакиллари руҳлантириши билан бирга, улар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклаши таъкидланди.

Халол ва самарали меҳнатлар юксак эътибор ва эътирофда экани журналистларнинг янги марралар сари руҳлантириши қайд этилди.

Шу ўринда мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида эътироф этилди.

– Бугун мен учун қўшалоқ байрам, – деди Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари, “Дўстлик” ордени соҳиби Икром Содиқов. – Бобом Исҳоқхон Ибрагим биринчилардан бўлиб Ўзбекистонга матбаа соҳасини олиб кирганди. Бугун вилоятлардаги телерадиоканаллар энг замонавий техник воситалар билан таъминланди. Журналистика соҳаси ривожини учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирамыз.

– Бугун болалар нашрларига кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнунман, – деди иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, “Тулхан” журнали бош муҳаррири Захр Хасанова. – Тўғриси, бу мукофот мен учун қутилмаган бўлди. Болалардек беғубор дунё вакилларига хизмат қилаётганимдан бахтиёрман.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

МЕНИНГ БОБОМ –
ЖУРНАЛИСТ



Дилдора НЕЪМАТЖОНОВА,
Наманган давлат
университети филология
факультети талабаси

Устозни ёдлаб

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ
ЯХШИЛИКДИР

Улуғлардан ҳикмат бор. Ўтганларни улуғлаш тирикларга ҳада бермоқ билан баробардир. Жорий йилнинг ўн учинчи июнида қадрдоним, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шўхрат Жабборов билан марҳум Бори ота Раҳимов хонадонидан уни хотирлаш ва набираларининг никоҳ тўйи муносабати билан ўтказилган “Амру-маъруф” маросимида бўлдик.

Ислом динининг таниқли уламоси ўз маърузасида неча асрлар аввалдан урф бўлган, аммо ҳозирги кунда деярли унутилиб кетган мусулмонча одатларимиз ҳақида сўзлаганида жуда таъсирландик. У устозимиз Бори Раҳимов ҳақида жуда ҳақ гапни айтди. “Бори отамиз жуда қўлчиликка яхшилик қилган инсон эди”.

Бундан икки йил аввал фарзанду зурриётлари эртага тўқсон ёшини тантана қилиб нишонлаймиз, деб турганларида Бори ота тўсатдан вафот этиб қолганди. Мен Бори Раҳимов билан Мустақилликнинг дастлабки йиллари “Қишлоқ ҳақиқати” (ҳозирги “Қишлоқ ҳаёти”) газетасида ишлаганимда яқиндан танишганман. Бори ака газетамизнинг ўз ходимдек бўлиб қолганди. Ҳафтада ҳеч бўлмаганда бир марта унинг мақоласи чиқарди. Газета бош муҳаррири, раҳматли устозимиз Неъмат Ёкубов ҳам Бори акани бошқача ҳурмат қиларди. Ўша даврларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг нуфузи жуда баланд эди. Бори Раҳимов шу олийгоҳнинг таниқли домласи эди. Институтга узоқ йиллар ректорлик қилган Эркин Шайхов Бори акани таҳририятга вакил қилиб, қишлоқ хўжалиги фани ривожига хизмат қилган илмий мақоаларининг чоп этилишида бош-қош бўлиши учун юборарди. Қўллаб-қувватловчи фидойилари ўтган, аммо Бори акадек ҳалол ва камтарин олимлар ўша даврларда ҳам кам бўлган.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис келган: “Аллоҳ ўзи суйган бандаларига ҳам хасталиклар беради”. Бори ака кескалик чоғларида айрилиқ ва оғир хасталикларни бошидан кечирди. Шундай чоғларда ҳам ҳечам тақдирдан нолимади. Дардларини сабр-қаноат билан енгди. Гарчи фарзанду набираларининг иқтисодий имкониятлари кенг бўлса-да, дабдабали ҳаётни танламади. Қўл меҳнати билан яратган неъматлардан завқ олиб умр кечирди. Аллоҳ ўзи суйган банда-



лари хонадонини масжидга яқин қилиб қўйarkan. Учтепа туманининг “Ҳазрат Али” жомеъ масжидидан таралган азон садоарию ибодатчиларнинг дуолари ҳам бу хонадон аҳлининг ризқига, умрига барокатлар ёғдирган бўлса ажаб эмас.

... Унинг хонадонидан биз каби ижодкорлар билан тез-тез дилдан суҳбатлар бўлиб турарди. Бугун ҳам Бори акани хотирлаб Ашурали Жўраев, Бобур Алихонов каби таниқли журналистлар келишган. Бори акадан меҳр-саховат кўрган ҳамкасбларимиз доимо у киши ҳақида дуо қилишди. Айниқса, узоқ йиллардан буён оғир хасталик билан курашиб келаётган Эргаш Иброҳимов ундан бениҳоя яхшиликлар кўрган. Бизнинг Бори отамиз инфоқ-эхсони кучли, ғарибу хасталарга меҳр-шафқатли эди.

Бугун айта оламаники, Бори ота менинг ҳаёт устозим. Ота-онасининг хизматларини қилиб, дуоларини олган, устозларини азиз-муътабар қилиб эъзозлаган, шоғирдларига меҳрибон инсон Бори ота ўзининг ибратли ҳаёти билан бизларнинг ёдимизда тураверади.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ,
Ўзбекистон журналистлари
уюшмаси аъзоси.



Умар МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси бошлиғи

(Боши 1-саҳифада)

Био ва иншоотларда аниқланган хавф бўйича зудлик билан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудуднинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига ахборот киритилади. Республика кенгаши уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда зилзила натижасида аниқланган био ва иншоотларнинг заиф нукталарини мустаҳкамлаш ва хавфни бартараф этиш чораларини белгилаб, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларни ҳудуднинг зилзилалар кучини кўрсатиб берувчи минтақавий акселерограммалар базаларидан келиб чиқиб лойиҳалаш ва қуриш тартиби жорий этилмоқда. Минтақавий акселерограммаларни рақамлаштириш учун масъул этиб Фанлар академияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, био ва иншоотларни минтақавий акселерограммаларга мувофиқ лойиҳалаш ва



УВОЛ ЭМАСМИ ЁХУД МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЙЎЛ БЎЙИГА ЭКИШ ШАРТИМ?

Юртимзда ёзни меваларсиз тасаввур қилиш қийин. Деярли ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаганда ўрик, олма ва гилос бўлади.

Ҳар кун эрталаб ҳовлимиздаги боғдан бир товоқ қилиб мева териб чиқаётганимизни кўрган дадам: “Барибир ўз боғингдан узиб еганингга етмайди-да”, деб қўядилар. Мевали дарахтнинг кўп экилиши, албатта, яхши. Лекин унга қаровчилар ҳам бўлиши керак, яъни пишиши билан ерга тўқилиб, увол бўлмасидан териб олиш зарур. Ҳовлингизда бўлса-ку, бунинг имкони бор. Аммо йўл бўйида бўлсачи, унда ким бунга жавобгар бўлади?

Қишлоғимиздан Ширин шаҳри томон катта йўл бор ва унинг икки ёни ҳам дарахтлар билан тўла. Жуда гўзал манзара, улар орасида мевалиси ҳам, манзаралиси ҳам бор. Айнан муаммо ҳам шу нуктада. Яъни одамлар юрадиган йўлакда мевалар, асосан, ўрик ва тут пишиб, ерга тўқилиб қолади. Бунни эса кишилар беихтиёр босади барибир. Ҳар гап шу йўлдан юрганимда йўлак яна-да сарғайиб бораётганини кўраман. Энди савол туғилиши мумкин – ҳеч ким мевани териб олмайdimи? Теради, лекин ҳаммасини ҳам эмас, чунки уларнинг кўпчилигининг мағизи анчик, ҳосили майда. Ҳовлисидида қандаки ёки оқўрик турган одам эса ундан олмаслиги табиий. Лекин у ҳам Оллоҳнинг неъматиги, увол қилиш ярамайди. Бунинг чораларини излаш керак. Аввало, мевали дарахтларни аҳоли серкаторов жойга экиш нотўғри. Соя-салқин бўлиши учун манзарали дарахт экиш ўринли, назаримда. Агар эккан тақдирда ҳам тартиблаш керак. Масалан, юқорида айтган катта йўлимиз билан канал орасида пича жой бор. У ерга кимдир экин эккан бўлса, кимдир даряхт эккан. Бу йили шу ерга айнан аҳоли юриши учун алоҳида йўлак ҳам қуриб битказилди. Лекин бу дегани ҳамма махсус йўлакда юряпти дегани эмас, меваларни босмаслик учун эса бу ечим бўлмайди.

Бобом йўлдаги бу ҳолатни қўриб: “Манзарали дарахтларни биринчи қаторга, мевалиларини эса аҳоли юрмайдиган ерга жойлаштириш энг маъқули”, дейдилар.

Зулҳаё МИНГБОВЕВА,
Сирдарё вилоятидаги
Ҳалима Худойбердиева номли
ижод мактаби ўқувчиси.

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

қуриш ишларини назорат қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул этиб белгиланди.

Қурилишда давлат назорати сифатини ошириш мақсадида 1 июндан янги қурилаётган объектларнинг хавф-хатар тоифасини ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий инспекторларнинг иш тажрибасини инобатга олган ҳолда давлат назорати амалга оширилади.

Сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш ҳамда био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унда белгиланган вазибаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклатилган.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, шу каби тартиб, қоидалар ишлаб чиқилган. Мазкур меъёрлар ҳисобий сейсмиқлиги 7,8,9 балл ва ундан юқори бўлган ҳудудларда жойлашадиган ва барпо этишга мўлжалланадиган био ва иншоотларни қуриш, реконструкциялаш ва таъмирлаш жараёнига оид лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда риоя этилиши лозим бўлган талабларни белгилайди. Мазкур меъёр талаблари транспорт ва гидротехник иншоотлари ҳамда атом электр станцияларни лойиҳалашга тадбиқ этилмайди. Шунингдек, ушбу меъёрлар қуйидаги объектларни лойиҳалаш ва қурилишга ҳам тадбиқ қилинмайди: ер сиртида тектоник бузилишлар

вужудга келиш эҳтимоли мавжуд участкаларда жойлашса, габарит ўлчамлари, ҳажм-тарҳий ва конструктив ечимлари мазкур меъёр қоидаларга мос келмаса, тарҳда ва баландлиги бўйича ҳаддан ташқари номунтазам конструктив тизимларга эга бўлса. Юқорида санаб ўтилган объектларни лойиҳалаш ва қуриш махсус илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник шартлар асосида амалга оширилади. Мазкур меъёрларга қўшимча равишда ишлаб чиқилдиган ҳужжатлардаги ҳолатлар ушбу меъёр қоидаларига зид бўлмаслиги, истисно тариқасида киритилдиган қўшимчалар тегишлича асосланиши ва текширилиши лозим. Архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш ишлари бўйича давлат идораси билан мувофиқлаштирилган махсус ҳолатлар учун, био ва иншоотларни сейсмик таъсирларга лойиҳалашда ҳарижий меъёрлардан фойдаланишга ҳом рухсат этилади. Айни пайтда био ёки иншоот лойиҳасининг сейсмик хавфсизлик қисмини мослаштиришга асос ушбу био учун миллий ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник шарт талабларининг бажарилиши ҳисобланади. Сейсмик фаол ҳудудларда қуриладиган бинолар ҳисобий эксплуатация муддати давомида зилзилабардошлик талабларига жавоб бериши зарур. Ҳисобий интенсивликдаги зилзилада одамларнинг бинолардаги хавфсизлиги, конструкциялар ва қимматбаҳо асбоб-ускуналарнинг бутлиги, шунингдек,

объектлар шикастланиши, ўз навбатида, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва аҳоли учун хавф туғдирмаслигини таъминлаш, ҳисобий интенсивликка нисбатан кичикроқ зилзилалар содир бўлганда, биноларнинг нормал эксплуатация режимини, конструкцияларнинг таъмирбоплигини таъминлаш сейсмик таъсирлардан прогрессив қулаш хавфини камайтиришни кафолатлаш шулар жумласидандир. Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш учун сейсмик юкларни камайтириш, сейсмик таъсирларга қаршилиқни ошириш зарур. Сейсмик юкларни камайтириш учун содир бўлиши мумкин бўлган зилзилаларнинг спектрал вақт тавсифига боғлиқ ҳолда, сейсмик юкларнинг энг кичик қийматига мос конструктив схемаларни қўллаш керак. Масса ва биқирлик марказлари орасидаги эксцентриситетни кичайтириш эвазига, буровчи тебранишларнинг вужудга келиш эҳтимолини камайтириш, енгил материаллар ва конструкцияларни қўллаш, оғир жиҳозларни имкон борича иншоотнинг баландлиги бўйлаб пастки сатҳларига жойлаштириш керак. Бинонинг сейсмик таъсирларга қаршилигини ошириш учун сейсмик юкларга юқори қаршилиқ кўрсата оладиган материал ва конструкциялардан фойдаланиш, сейсмик юкларнинг барча юк қўтарувчи элементларга узатилишини таъминлаш орқали иншоотнинг ягона фазовий тизим сифатида ишлаши учун шароит яратиш, йиғма элементларнинг туташтириш жойларини юқори зўриқишлар зонасидан узоқроққа жойлаштириб, бутун тизимнинг яхлитлиги ва бир жинслигини таъминлаш керак.

Қурилишларда ушбу тартиб, қоидаларга қатъий амал қилиниши биноларнинг мустаҳкамлигини, зилзилабардошлигини таъминлайди, бундай иншоотлар узоқ йиллар юртдошларимизга хизмат қилади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЯНГИҚЎРҒОНЛИК ТОМОРҚАЧИЛАРНИНГ ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРДИ

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори Шўҳрат Отажоновнинг ташаббуси билан жорий йилда тизимдаги илмий муассасалар томонидан аҳоли хонадонларида “Хонадонбай” илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида шахсий томорқаларда парвариш қилинган экинларнинг дастлабки натижалари шу кунларда ўзининг натижасини кўрсата бошлади. Хусусан, Сабзавот, полиз экинлари ва картошка-чилик илмий-тадқиқот институти томонидан Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Буюқбоши маҳалласида институт лаборатория мудири Камол Маматов раҳбарлигида 22 та хонадонда амалга оширилаётган лойиҳанинг илк натижасини картошка қовлиниш жараёнида акс этган суратлардан ҳам илғаш мумкин. Деҳқон таъбири билан айтган-



да, ҳосил тўшалиб қолган. Лойиҳа раҳбари Камол Маматовнинг маълум қилишича, олинган ҳосилини

1 гектарга яхлитлаганда ўртача ҳосилдорлик гектарига 70 тоннани ташкил қилади. Ҳосилдорлик чиндан ҳам жуда юқори. Чунки томорқа ерларига Сабзавот, полиз экинлари ва картош-качилик илмий-тадқиқот институтида яратилган картошканинг “Тошкент эртакиси” ва «Ўзбекистон қизили” номли маҳаллий навларининг юқори авлоди уруғликлари экилган. Юқори ҳосилдорликка эришиш илм ва янгиқўрғонлиқ томорқачиларнинг бой тажрибаси маҳсули, албатта.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ахборот хизмати.

ЎЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ОЛИМЛАРИ



солинса, чириш натижасида шунча кўп углевод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг ҳаводан озикланиш-фотосинтез жараёнини қулай ҳолатга келтиради.

Тупроққа 20-30 тонна янги чириган гўнг солинганда ажралиб чиқадиган углевод ҳисобига маҳаллий ўғит берилмаган далага нисбатан углевод ҳосилдорлиги ҳар бир гектарга 100-150 килограммгача кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Республикамызда қўлланилаётган маҳаллий ўғит миқдори ҳар гектар ерга 5-6 тоннадан тўғри келмоқда.

Бу етишмовчиликни табиий захирали мавжуд бўлган, бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агроудалар ва бошқалардан компостлар тайёрлаш орқали бирмунча энгши мумкин. Биринчи ҳосил шохчадан гуллаш бошлагунча азот ва калийга бўлган

талаб ортади, гуллай бошлагач, азот ва фосфорга бўлган эҳтиёжи кучаяди.

Шуларни инобатга олиб, одатда ўсиб-ривожланишининг асосий босқичларида азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатлари 1,0-0,7-0,5 тарзда бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийнинг йиллик меъёрига нисбатан 50-60 фоизини шудгорлаш ёки экиш олдидан, қолганини вегетация даврида, озиклантириш пайтида бериш даркор.

Ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра, гўзада органик модда тўпланиши, фотосинтез жараёнига боғлиқ, умумий миқдорга нисбатан азот, фосфор, калийни униб чиққандан 2-3 чинбарг ҳосил қилгунга қадар 0,16 фоизини ўзлаштиради, 2-3 чинбарг чиқаргандан қийос шоналагунга қадар 4,96 фоизини, шоналашдан қийос гуллаш давригача 23,8, гўза қийос гуллаш давридан кўсак етила бошлагунча 65,04, кўсак етила бош-

лаган пайтдан мавсум охиригача 6,12 фоизини ўзлаштирилгани аниқ бўлади.

Афсуски, айрим фермерлар ерга азот солишга кўпроқ эътибор бериб, бошқа ўғитларнинг аҳамиятини тўғри баҳоламайди. Ҳолбуки, гўзанинг фосфор, айниқса, калийга талаби азот эҳтиёжи билан тенг ҳатто ундан ҳам юқорирокдир. Бир тонна пахта хомашёси тупроқдан 50-60 килограмдан азот, калий ва 20-25 килограмм фосфорни ўзлаштиради.

Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, гўза меъёрида озиклантирилганда, ҳар бир чаноқнинг ўртача оғирлиги 5-6 граммни ташкил қилади. Калий тақчил бўлганда битта чаноқнинг пахтаси 3-4 граммдан ошмаган, устига устак толанинг пишиқлиги, уруғнинг мойлиги пасайган.

Калийнинг яна бир афзаллиги шундаки, у гўза ўсиш тўқималарининг чидамлилигини оширади, моддалар алмаштириш жараёнларини яхшилайди. Шундай ўғит билан етарли озиклантирилган гўза қисқа муддатли қурғоқчиликка ҳам бардош беради.

Калийнинг таъсири билан ўсимликка азот ўзлаштирилади, оксилларнинг ҳосил бўлиши яхшиланади, етишмаган тақдирда эса экиннинг касалликларга чидамлилиги сусаяди, асосий танасининг ўсиши тўхтади. Айниқса, бўғинлар ўртасидаги оралик сезиларли даражада қисқаради, гўза барги тўқ яшил тусга қиради.

Бу етишмовчилик кучайганда барглар сўниққирайди, тана бўшаши, гуллаш ва кўсаклаш жараёни бузилади. Ҳосилнинг етилиши ҳар хил бўлади. Мутахассислар гўза ўсиши ва ривожланишининг турли босқичларида ўғитни ишлатиш усуллари ишлаб чиққанлар.

У нафақат вегетация даврида, балки, ҳосил тугунчалари пайдо бўлиш жараёнида, айниқса, озукага муҳтожлик сезади.

САМАРҚАНД САЁҲАТИ

Заминнинг сайқали, дея эътироф этиладиган Самарқанд шаҳри мана неча йилларки бутун дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келади.

27 июн – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан хоразмлик бир гуруҳ журналистлар қадим шаҳарга саёҳат қилишди. Икки кунлик саёҳат Ўзбекистон журналистлари уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмаси федерациясининг ҳомийлигида ташкиллаштирилди. Саёҳатда хоразмлик 50 нафарга яқин журналист ва блогерлар иштирок этди. Ушбу саёҳатдан асосий мақсад, гўзал Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари билан танишиш, кейинги йилларда бу ерда олиб борилаётган ислохотларнинг бориши билан яқиндан хабардор бўлишдан иборат.



Журналистлар дастлаб буюк астра-ном олим, жамоат ва давлат арбоби Мирзо Улугбек расадхонасини томоша қилишди. Расадхона 15 асрда бунёд этилган бўлиб, Мирзо Улугбек формойиши билан (1428-49) Кўҳак (Чўпонота) тепалигида бунёд этилган. Журналистлар ўз даврида бизнинг буюк аждодларимизнинг шундай буюк ишларга қодир бўлишганини кўриб, қойил қолди. Шундан кейин сайёҳлар Хўжа Дониёр мақбарасини зиёрат қилишди.

Кейин Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилдик. Ҳазрати Хизир мажмуасида жойлашган бу маҳабати мақбарда Биринчи Президентимиз ҳақларига қуръон тиловат қилинди.

Тушиқка яқин Самарқандда чиқадиган “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев хоразмлик журналистларнинг Самарқанд шаҳрига ташрифидан воқиф бўлиб, дарҳол меҳмонхонага етиб келди ва журналистлар билан бирга тушлик қилди. Кейинги манзил “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахрирати бўлди. Фармон Тошев журналист ва блогерларни газета тахрирати жамоасининг шу кунларда олиб бораётган ишлари билан таништирди. Шундан кейин журналистлар газетанинг 100 йиллик тарихини ўз ичига жамлаган музейини бориб кўришди. Сафар сўнгига иккала вилоят журналистлари эсталик учун суратга тушишди.

“Боқий шаҳар” мажмуасини томоша қилиш хоразмлик журналистларда катта таассурот қолдириб, дейиш мумкин. 7 гектар майдонда бунёд этилган бу мажмуада қадимий шаҳарларимиз қиёфаси, миллий анъаналаримиз билан бирга дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Хусусан,



Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Тарих ва бугунги кун уйғунлигини ўзда акс эттирган мазкур мажмуанинг 2018-2022 йиллар оралигида бунёд этилиши ҳайратингизга ҳайрат қўшади. Самарқанд шаҳрида жойлашган муқташам “Нодир Самарқанд” меҳмонхонасида дам олдик. Меҳмонхона раҳбари Бекзод Ўрлобоев бошлиқ ходимлар хизматидан мамнун бўлиб, ошпазларнинг пиширган мазали овқатларидан тано-вул қилдик.

Эрталабки нонуштадан кейин саёҳатини “Тўри Амир” мақбарасини зиёрат қилишдан бошладик. Макбара жаҳонга машҳур ва Ўрта Осиё мейморчилигининг ноёб асари сифатида эътироф этилади.

Макбара қурилиши 1403 йилда Амир Темурунинг вориси Муҳаммад Султоннинг вафоти муносабати билан бунёдланган, Мирзо Улугбек даврида тугулланган ҳамда Амир Темуру ва те-мурийлар хилхонасига айлантирилган.

Кейинги манзил жаҳонга машҳур Регистон ансамбли бўлди. Регистонни тамоша қилиш баробарида журналистлар ўзларини гўёки ўрта асрларга тушиб қолгандек ҳис қилишди, десам



муболага эмас. Ўз маҳобати ва чиройи билан сайёҳларни лол қолдириб кел-лаётган Мирзо Улугбек, Тилла кори ва Шердор мадрасаларидан иборат бу ансамбл шаҳар кўркига кўрқ қўшиб кел-лаётгани бор гап.

Шундан кейин журналистлар Биби-хоним мадрасаси ва хилхонаси, Шохи Зинда мажмуасини зиёрат қилишди.

Сирасини айтганда, воҳалик журналистлар Самарқанд саёҳатидан олам-олам таассуротлар билан қай-тишди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Шунинг учун, гўзанинг тугунчалари тўқилиб кетишига йўл қўймаслик учун Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари фермерлари турли тупроқ шароитларда белгиланган пахта ҳосилини олиш учун минерал ўғитларнинг меъёрларини, олимлар томонидан тавсия этилган муддатларда бермоқдалар.

Ўзбекистонда ҳосилнинг қарийб 70 фоизи ҳамон тупроқдаги ресурслар ҳисобига шаклланмоқда, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30-40 фоиздан ошмайди.

Бу эса тупроқда озука моддаларнинг бузилишига олиб келади ва ўсимликларнинг у ёки бу моддага эҳтиёжини қучайтиради ва ернинг унумдорлигини, бал-бонитетини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

Минерал ўғитлардан ташқари, гўнг, ҳазонлар, товуқ ва ипак қурти чиқиндиларидан тайёрланган компост бериш яхши натижа беради.

Вегетация даврида ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сирасини айтганда, илм-фан ютуқлари ва илгир тажрибаларни жорий этиш мўл ҳосил етиштириш ва улкан хирмон яратиш имконини бермоқда. Соҳа олим ва мутахассислари эса бу борадаги изла-нишларни изчил давом эттиришмоқда.

Р.НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, к.х.ф.д., профессор,

Ф.ЖАСАНОВА,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти профессори,

Ж.АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи.

